



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 9 август, № 155 (4308)


Пайшанба



Сурхондарё:

БОҒЛАРИДАН ТОНГЛАР КЕТМАЙДИ

DARBAND



Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат.

В Осмони серкўёш худудда ястаниб турган Сурхон воҳаси мамлакатимизнинг жанубдаги гавҳар гўшаларидан биридир. Уфқларга туташ кенгликлар, тоғлари баланд, боғ-роғлари кўркам, экинзорлари серҳосил. Истиклол нуридан қалб-шуури равшан тортган воҳа одамларининг қадамлари бугун янаям дадил. Суханлари ўқтам. Ишлари салмоқли. Ялли ички маҳсулот етиштириш биргина ўтган йилнинг ўзида 8,6 фоизга ўсгани, sanoat, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида эришилаётган ютуқлар йил сайин ошиб бораётгани ислохотларнинг воҳада муваффақиятли амалга оширилаётганидан далolat беради.

и яёв кезганда...

Қадим ва навқирон ўлканинг салохияти бугун, чиндан ҳам, ўзгача. Унинг қундалик ҳаётида меҳнат ва яратувчанлик мароми устувор. Хонадонининг, маҳалласининг, бутун юртининг фаровонлигини таъминлашга интилиш устувор. Хар бир давраю даврларнинг бош гурунглари, етакчи юмушлари бўлади. «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган» темир йўли қурилиши ҳам нафақат Сурхон аҳлининг, балки бутун элнинг дил достонига айланган. Президентимизнинг оқ фотиҳлари ва катта раҳмўрликлари билан кечанига бошланган, лойиҳа ечимлари антика ва таъкилий-техник жиҳатлари ўта мураккаб 230 километрик темир йўли қурилиши, ишончдор, энди битай-битай деб қолди. Дарбанд ва

Чак-чак участкаларидаги юмушлар тутади. Ўз номи билан метин, куч тоғ дарвозасини очиб осон бўлгани йўқ. 13-Тошкент кўприк қуриш отряди бунёдкорларининг узунлиги икки чакрим сифат-меъёрларини сел сувлари синовдан ўтказиб турди. Хар қадам, хар бир қарич масофада лойиҳага тузатишлар киритишга тўғри келди. Йўқ! Биз қурган йўлларга энди ҳеч қайси

— Қурилишнинг энг қийин қисми ҳисобланган шу объектда биз маҳкам туриб, кеча-кундуз ишладик, — дейди гуруҳ раҳбари Рустам Қаноатов. — Иродамининг, ишимизнинг сифат-меъёрларини сел сувлари синовдан ўтказиб турди. Хар қадам, хар бир қарич масофада лойиҳага тузатишлар киритишга тўғри келди. Йўқ! Биз қурган йўлларга энди ҳеч қайси

хавф дахл қилолмас. Баланд қоялар тубида биз қурган бу йўл, аслида, денгиз сатҳидан бир ярим километрга баландликда турибди. Бу жаҳон темир йўли қурилиши тажрибасида ноёб ҳолат. Шунинг уйласакми, қалбимизда фар ва ифтихор қоялари юксалгандай бўлади. Рустамжонлар қурган иншоот поезд ўтиш туйнук-тоннелига бориб ту

ташади. Туйнукни очган Тошкент маҳсулоти механизациялашган йўл қурилиш жамоаси ишчилари ҳам Қаноатовнинг гапларини такрорлайдилар: иш осон бўлмапти. Лекин ниятимиздаги йўл кўзга кўриниб қолди. Марра эгаланмоқда. Бу марралар, бу йўллар шу элнинг неча минг йиллик хизматини қилажак. (Давоми 2-бетда).

Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анжело Персиани мамлакатимиздаги ўз фаолиятини яқунламоқда. Ватанига қайтиш олдида элчи жаноблари «Жаҳон» ахборот агентлигининг муҳбири билан суҳбатда бўлди.

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ МЕҲНАТСЕВАРЛИГИ ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА»

— Элчи жаноблари, Сиз Ўзбекистондаги фаолиятингизни яқунлаш арафасида турибсиз. Шу кезде Ўзбекистон — Италия муносабатларининг ҳозирги аҳоли тўғрисидаги фикрингизни билишни истар эдик. Дипломатия ваколатхонасининг раҳбари сифатида Сиз икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлида қўлга киритилган натижаларни қандай баҳолайсиз? Қандай масалалар ечимини Сиз ўз давомчингизга қолдирмоқдасиз? — Икки томонлама муносабатлар тўғрисида тўхталар эканмиз, аввало, Италия Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан алоқаларни хар томонлама ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратишни алоҳида таъкидлаш керак. Жорий йил май ойида Италия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Джанни Вернетти минтақа мамлакатлари бўйлаб сафарда бўлди. Унинг Ўзбекистонга ташрифи давомидикики давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди. Томонлар, шунингдек, икки томонлама қизиқувчи йўлданган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Муносабатларимизнинг айна пайтадаги даражаси ва ҳамкорлик сурати менда тўла қониқувчи ҳиссини уйғотмоқда. Ўзбекистондаги фаолиятим давомидикики томонлама муносабатларни ривожлантириш жараёнига ўз ҳиссамни қўшишга имкон қадар ҳаракат қилдим. Жумладан, юртингизда ИСЕНИГ (Италия Ташқи савдо миллий институти) ваколатхонаси очилди. Яқинда эса Италия ҳукумати икки томонлама савдо палатасини расман тан олди. Унинг қароргоҳи Миланда, ваколатхонаси эса Тошкентда жойлашган. Бу кўна Италия билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо айланиши ҳамкорликнинг охишига хизмат қилолмоқда. Статистика маълумотларига кўра, унинг ҳажми 25 фоизга ошди. Шу ўринда мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасида улкан салохият мавжуд эканини таъкидлаш ўринли бўлади. Жорий йил сентябрда Римда «Марказий Осиё: Италиянинг аҳамияти ва Европа иқтисодлари» мавзусига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Амманки, мазкур анжуман Италия — Ўзбекистон муносабатларини мустақамлашга ўз ҳиссасини қўлади. — Ҳақиқатан ҳам, дипломат уюни ўзи ишлаштан мамлакатдаги турли жараёнларни, шу жумладан, иқтисодий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришларни кузатиш ва таққослаш олиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу мавзуга тўхталар эканмиз, Ўзбекистон охириги йилларда ялли ички маҳсулотининг барқарор ва юқори суръатда ўсишига эришганини таъкидлашимиз керак. Ўзбекистон халқи ниҳоятда меҳнатсевар ва бу ўз самарасини бермоқда. Ўз навбатида, умид қиламанки, юртингизнинг иқтисодий имкониятларига катта қизиқувчи билдираётган италиялик ишбилармонлар ҳам унинг иқтисодий тараққийига ва халқ фаровонлигини оширишга ўз ҳиссасини қўлади.

Дунё нигоҳи

— Икки томонлама ҳамкорлик кетиб турган италиялик шифкорлар гуруҳлари билан ҳамкорликдан тортиб, то Афғонистондаги вазиятни яхшилашга бўлган соҳаларда намоён бўлади. Уйламанки, икки мамлакат ўртасидаги маданий ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳам жуда яхши имкониятлар мавжуд. Айни пайтада Ўзбекистоннинг тўртта олий ўқув юртида Италиядан махсус тақлиф этилган ўқитувчилар талабаларга италия тилидан сабаб бермоқда. 2005 йилда Самарқандда Марказий Осиёда ягона бўлган италия тили марказининг очилиши бу йўналишдаги муҳим воқеа бўлди. Мадааний ҳамкорлик тўғрисида гапирар эканмиз, Бухоро ҳамда Самарқандда Италия ташқи ишлар вазирлиги кўмагида иккита археологик гуруҳи фаолият юритаётганини эслаш ўтиш ўринли бўлади. Ўзбекистонликлар Италия халқининг бой маданий мероси, мусикаси, опера санъати, кино ва театрига катта қизиқувчи билдираётгани қувонarli ҳолдир. — Ҳақиқатан ҳам, дипломат уюни ўзи ишлаштан мамлакатдаги турли жараёнларни, шу жумладан, иқтисодий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришларни кузатиш ва таққослаш олиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу мавзуга тўхталар эканмиз, Ўзбекистон охириги йилларда ялли ички маҳсулотининг барқарор ва юқори суръатда ўсишига эришганини таъкидлашимиз керак. Ўзбекистон халқи ниҳоятда меҳнатсевар ва бу ўз самарасини бермоқда. Ўз навбатида, умид қиламанки, юртингизнинг иқтисодий имкониятларига катта қизиқувчи билдираётган италиялик ишбилармонлар ҳам унинг иқтисодий тараққийига ва халқ фаровонлигини оширишга ўз ҳиссасини қўлади.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ НОЁБ ДУРДОНАСИ

«Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси рағнақига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция олдида

Халқимиз мустақилликка эришгач, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида аждоқларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз мукддас қадамларини таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш, бой илмий-маданий меросини чўқур ўрганиш, айниқса, эшларимиз онгу шуурига сингдириб борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ислам конференцияси ташкилотининг Ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мамлакатимизнинг ислом цивилизацияси рағнақига қўшган бежўёс ҳиссасининг халқаро миқдосдаги яна бир эътибори бўлди. Улкан тарихий-маданий ва сиёсий аҳамиятга эга ушбу воқеа жаҳон ҳамжамияти ҳамда юртдошларимиз томонидан катта мамнуният билан қутуб олинди. Мамлакатимизда мазкур шарофли эътирофга бағишланган катор тадбирлар — илмий-амалий, маданий-маърифий конференция, кўргазма ва учрашувлар давом этмоқда. Жумладан, «Тошкент — Ислам маданияти пойтахти» рисола-си нашр этилди. Пойтахтимизда «Ислам маданияти рағнақ топан юрт» мавзусида танлики мусаввирлар ва халқ амалий

санъати усталарининг ижодий ишлари кўргазмаси, «Марказий Осиёда ислом қадриятлари: бағрикенглик ва инсонпарварлик» мавзусида халқаро илмий анжуман ташкил этилди. Тошкент шаҳридаги машхур ислом мутафаккирлари — Шайх Зайниддин, Шайх Хованд Тоҳур, Қафқол Шойиш, Хожа Аламбардор, Юнусхон, Бароқхон, Зангиота меъморий обидалари асосида зиёратчилар учун сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилимоқда. «Тошкент — Ислам маданияти пойтахти», «Хазрати Усмон Мусқафи», «Имом Бухорий», «Мозий гавҳари» (Хазрати Имом мажмуаси: кеча ва бугун) ҳужжатли фильмлари тайёрланди. Ушбу воқеага бағишланган тадбирларнинг энг муҳимларидан бири — жорий йилнинг 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтадиган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси рағнақига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро конференциядир. Унда ўнлаб мамлакатлардан юздан зиёд танлики олим, давлат, жамоат ва дин арбоблари, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этиши қутуб олинди. Айни чоғда бу борада улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Юртимизда мукддас ислом дини ва фалсафасини, инсонпарварлик гояларини кенг ёйишда илмий-маърифий марказ сифатида хизмат қилаётган Хазрати Имом мажмуаси тамомила янги қиёфа касб

этиди. Пойтахтимизда жойлашган мазкур мажмуа илгарилар асосан пасткам иморатлар қуришга бўлиб, унга олиб борувчи қўчалар замон талаб-ларига жавоб бермас эди. Халқимиз маънавий меросининг узвий бири қисми бўлган бу қутлуқ қадамнинг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, Юртбошимиз ташаббуси билан бу ерда кенг қўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун гузал қиёфа касб этган ушбу гўша юртдошларимиз, хориқлик меҳмонлар зиёрат қиладиган обод масканга айланди. «Биз она заминимиз бағридаги хар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намоийиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз, — деган эди Президентимиз Ислам Каримов. — Токи эртага бизнинг ўрнимизга келади-ган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ишларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан бахраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин».

(Давоми 2-бетда).



Пойтахтимизда «Тошкент — Ислам маданияти пойтахти: эътиром ва эътироф» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарихот

ЭЪТИРОМ ВА ЭЪТИРОФ

маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юртимизнинг барча худудларидан келган маънавият тарихотчилари, олимлар, ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Анжуманда Республика Маънавият тарихот маркази раҳбари Минқошиддин Мирзо, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи Ортиқбек Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

(Давоми 2-бетда).

НОНИНГ УШОФИ ҲАМ НОН

Ноннинг бебаҳо неъмат эканлиги ҳақдада ривоятлар жуда кўп. Дарҳақиқат, нон — инсониятнинг буюк кашфиёти. Олоқунинг бандларига ризқ қилиб берган улғунезмат. Буш қол тик туркигани каби обод бөлоси ҳам нонсиз тирикликни тасаввур қилолмайди. Оддийгина «нон» сўзи айтилганда нафақат бугдой ундан пиширилган неъматни, айни пайтада одамзод ҳаётини таъмин этувчи ризқу рўз, оила, бола-чақа боқиб учун пешона тери эвазига топиладиган насиба ҳам назарда тутилади. «Нони бутун», «Нони ҳалол» деган қўйма иборалар халқимиз бағрикенглигини ифода этувчи таърифлардир.

Нигоҳ

Хаётда нон воситасида, унинг рамизи орқали эзгу ишларга киришляди. Харбий хизматда отланган йигит ноннинг бир четини тшлаб, қолган қисмини ота-онага, қадрдон даргоҳга садоқат сифатида уйда қолдиради. Икки тақдирнинг бирлашуви ҳам кексалар дуоси ила нон синдирини биран билан нишонланади. Кимгадир бир фикрини уқтириш осон бўлмаса, азбаройи ишонтириш учун «Худо ҳаққи, нон ҳаққи» дея имон келтирамиз. Ва бундай ҳолда сўзимиз, албатта, чин ҳақиқат бўлади.

(Давоми 3-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ
Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз аҳолисининг реал пул даромадлари
21,3 фоизга ошди.
Ўтган олти ой мобайнида юқори суръатдаги иқтисодий ўсиш, иш ҳақининг оширилиши, шунингдек, халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг тақомиллаштирилган тизимини жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қўрилгани ана шундай ижобий натижага эришилган муҳим омил бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН — ЭРОН 3:1



Ўзбекистонлик ёш шахматчилар еттинчи турда эронлик тенгдошларига қарши донга суддилар. Хуршид Мустафоев — Поури Дариний, Евгений Пак — Сина Солиқийн учрашувида ҳамкорларимиз галаба қроо

Сингапурда болалар ва ўсмирлар ўртасида Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси давом этмоқда.

Сўнгги соатда

ништи. Жамшид Мустафоев — Муҳаммад Мирон Ходимий, Улуғбек Тиллаев — Амир Азаматий ўйинлари дурранг натижа билан ўтади. Яқуний ҳисоб 3:1 — юртдошларимиз фойдасига. Еттинчи турдан сўнг Хундистон шахматчилари 20,0

оңко билан пешқадим бўлиб туришляди. Филитинг тарма жамоаси 19,0 оңко билан иккинчи, Ўзбекистон шахматчилари 18,5 оңко билан учинчи ўринда боришлямоқда. Ўзбекистон тарма жамоасига саккизинчи турда Вьетнам шахматчилари рақиб бўлади. **З. ЖОНИБЕКОВ,** «Халқ сўзи» муҳбири.

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН

24 соат ичида

Ёнилги етказиб бериш тўхтатилиши мумкин

Эрон мамлакатда олиб борилаётган ядровий тадқиқотлар ҳақидаги барча маълумотларни халқроқ ҳамжамиятга тақдим этмас...

Ёнилги етказиб бериш тўхтатилиши мумкин. Бу ҳақда БМТдаги ўзини ошкор қилишни истамаган қочқин лавозимли дипломат «Ассошиэйтед Пресс» ахборот агентлигига маълум қилди.

Энг новча одам

Украиналик Леонид Стадник ўзининг икки метру 54 сантиметрлик буй-баси билан дунёдаги энг новча одам макomini кўлга киритди.

Гаровга олинганлар озод этилди

Бундан икки ойча муқаддам Нигерияда гаровга олинган «Русал» компаниясининг олти нафар ходими озод қилинди.

Вакилнинг тахмини

Олдин хабар берганимиздек, айна пайта Буюк Британиянинг Суррей графлигида қора молларда оқсил касаллиги тарқалган.

Етти йилдан сўнг

Жанубий ва Шимолий Корея давлатлари раҳбарлари сўнгги етти йил давомида биринчи бор Пхеньянда учрашишга келишиб олишди.

Жосулар учун 2,2 миллион фунт стерлинг


Скотланд-Ярд 2006 йилда ўзининг маълумот етказувчиларига 2,2 миллион фунт стерлинг сарфлаган.

Базага хужум

Афғонистоннинг жанубида жойлашган Урузган музофотида «Толибон» ҳаракатининг 75 нафар жангариси Америка ҳарбий базасини қамал қилишга уринишди.

Транзит нархи ҳам ошади

Агар Россия Украинага етказиб берилаётган газ нархини оширишдан бўлса, расмий Киев ҳам ёнилги транзити нархини кўтарди.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Хар қандай лаззатли неъмат ноннинг ўрнини босолмайди, нон эса бошқа тўйимли моддалар йўқлигини билдирмайди.

Капитализация даражасини ошириш, инвестиция жараёнларидаги иқтисодийнинг асосий тармоқларини модернизациялаш, техник ва технология қайта кулланатириш лойиҳаларини кредитлашдаги широкнинг кенгайтириш...

НОННИНГ УШОҒИ


га амал қилган йигитлар тўғри маслаҳат олишганига эртасигаёқ ишонч ҳосил қилишди. Тунда аҳоли яшамайдиган манзиллардан ўтишганда, ўша нон жонларига аро кирди.

бир йилда 145-160 кг. нон истеъмол қиламиз. Кейинги йилларда халқимизнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи нон қато-

жоиз жойларга ташлаймиз. Нон қадри ҳақида ўйлаб қурмайми! Бу исрофгарчиликни ўзимиз қилаётганимизни ўйласак ёки шунча миқдордаги нонни Тошкент аҳолисига тақсимласак, ҳар бир одам кунига ўттиз грамм нонни чиқитга чиқараётгани маълум бўлади. Юзани қараганда,

ҲАМ НОН

рида бошқа тўйимли нон-неъматлар билан қондирлаётгани ҳам қувончлидир. Айтилди, бир килограмм нон етиштириш учун 4 квадрат метр ер майдони зарурлигини инобатга оласак, ҳар биримизга бир йилда фақат нон ейтишимиз учун ярим гектардан ортиқроқ майдон керак бўлади.



Ноннинг ушоғи ҳам нон. Уни эъзозлаганимиз ўзи ҳам эл-юрт назарига тушади. Нон қадрига етган унинг бунёдкори — инсонни ҳам қадрлаган бўлади.

Шухрат ЖАББОРОВ.

маси бошчилиги Рустам Раҳматовнинг таъкидлашича, 2007 йилнинг 6 ойи мобайнида банк томонидан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми анча кўпайди.

АФЗАЛЛИГИ АМАЛДА ИСБОТЛАНГАН!

Пластик карта Ўзбекистонга 90-йилларнинг ўрталарида кириб келган.

сифатида фойдаланишни тақлиф қилмоқда. Банк томонидан ишлаб чиқилган «овердрафт» кредитлари беришнинг мослашувчан тизими аҳолининг турли қатламлари талабларини қондира оладиган учта кулай схемани ўз ичига олади, шунингдек, йирик корпоратив миқозларга ўз ходимларини кредитлашнинг индивидуал шартларини банк билан келишиб олиш имконини беради.

МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ — МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

СИФАТ — ҲАР ЖАБҲАДА УСТУВОР

Бугунги кунда бошқарув механизмларини узлуксиз яхшилаш ва миқозлар билан ишларни тақомиллаштириш тўғрисида гаммурий қарар қабул қилинган.

ҲАМИША ПЕШҚАДАМ

Миллий банк фаолият турларини кенгайтириш сисбатига қатъий амал қилиб, аҳоли учун диверсификацияланган хизматларнинг 70 дан зиёд турдаги кен доирасини тақлиф қилишга қарор қилган.

ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОР ИМКОНИАТЛАРИ

Ташқи иқтисодий операцияларнинг тартибга солиш бошқармаси бошчилиги Зокир Агаевнинг таъкидлашича, валюта бозорини эркинлаштириш бўлими ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш давомида кейинги йилларда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш миқозлар фаолияти анча ўсгани кузатилади.

ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОР ИМКОНИАТЛАРИ

Ташқи иқтисодий операцияларнинг тартибга солиш бошқармаси бошчилиги Зокир Агаевнинг таъкидлашича, валюта бозорини эркинлаштириш бўлими ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш давомида кейинги йилларда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш миқозлар фаолияти анча ўсгани кузатилади.

ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОР ИМКОНИАТЛАРИ

Ташқи иқтисодий операцияларнинг тартибга солиш бошқармаси бошчилиги Зокир Агаевнинг таъкидлашича, валюта бозорини эркинлаштириш бўлими ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш давомида кейинги йилларда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш миқозлар фаолияти анча ўсгани кузатилади.

ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОР ИМКОНИАТЛАРИ

Ташқи иқтисодий операцияларнинг тартибга солиш бошқармаси бошчилиги Зокир Агаевнинг таъкидлашича, валюта бозорини эркинлаштириш бўлими ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш давомида кейинги йилларда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш миқозлар фаолияти анча ўсгани кузатилади.

ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОР ИМКОНИАТЛАРИ

Ташқи иқтисодий операцияларнинг тартибга солиш бошқармаси бошчилиги Зокир Агаевнинг таъкидлашича, валюта бозорини эркинлаштириш бўлими ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш давомида кейинги йилларда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш миқозлар фаолияти анча ўсгани кузатилади.

ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОР ИМКОНИАТЛАРИ

Ташқи иқтисодий операцияларнинг тартибга солиш бошқармаси бошчилиги Зокир Агаевнинг таъкидлашича, валюта бозорини эркинлаштириш бўлими ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш давомида кейинги йилларда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш миқозлар фаолияти анча ўсгани кузатилади.

ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОР ИМКОНИАТЛАРИ

Ташқи иқтисодий операцияларнинг тартибга солиш бошқармаси бошчилиги Зокир Агаевнинг таъкидлашича, валюта бозорини эркинлаштириш бўлими ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш давомида кейинги йилларда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш миқозлар фаолияти анча ўсгани кузатилади.

КРЕДИТЛАР — ТАДБИРКОРЛИККА

Хозирги вақтда хусусий сектор иқтисодийни ривожлантириш лоқомини сифатида эътироф этилган.

КРЕДИТЛАР — ТАДБИРКОРЛИККА

Хозирги вақтда хусусий сектор иқтисодийни ривожлантириш лоқомини сифатида эътироф этилган.

КРЕДИТЛАР — ТАДБИРКОРЛИККА

Хозирги вақтда хусусий сектор иқтисодийни ривожлантириш лоқомини сифатида эътироф этилган.

Жамила АЙНОВА.

МАТОНАТ, ЛАТОФАТ, САДОҚАТ СОҲИБАСИ

Яқинда Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида "Универсал жанг" спорт тури бўйича аёллар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз, қорақалпоқ фарзанди Нодира Қазакова 22 мамлакат спортчилари орасида ўз маҳоратини намойиш қилиб бронза медали соҳиби бўлди. У саралаш босқичида Англия, Россия, Украина, Жазоир, Қозоғистон, Литва каби мамлакатлар спортчиларини яққол устунлик билан мағлуб этди.

Энг гуллаган ёшлик чоғимда...

Шарқ яққа курашларининг даярли барчасини мужассам этган ушбу мураккаб спорт тури билан шуғулланиш аёл киши учун осонмас. Икки метрлик девордан сакраш дейсизми, кувор оралаб қўл ёрдамида эмаллаб ўтиш, икки табакли темирда ўз вазнини кўтарган ҳолда юриш, мерганлик ва жанг санъати, буларни бажариш фақат мустақам иродали, спортнинг бир неча турини мукамал ўзлаштирганларгагина хос. Нодира бу тўсиқларни энгил ўтиш, ўз мақсади сари дадил интилиш йўлида тинмай ҳаракат қилди, тер тўкди. Унинг мақсади битта: фақат галаба қозониш ва шу орқали ўзбек қизининг нималарга қодир эканини жаҳон ахлига кўз-кўз қилиш эди.

Тўғилиб ўсдим, — дейди Нодира Қазакова. — Отам волейбол бўйича тажрибали мураббий, тўпчандан ўқ отишда онамга тенг келадигани йўқ — у спорт устаси. Ота-онанинг бир сўзи, иродали, ўз кўчига ишонган ва ҳар томонлама бағувват эканликлари болалигимдан менда ҳавас уйғотган. Баскетбол, волейбол, теннис, югуриш, каратэ-до, таэквандо, кикбоксинг каби спорт турлари билан шуғулланиб, мактабим номидан мусобақаларда қатнашардим. Илк бор галабага эришганимда, биласизми ўша кезлари нимани ўйлаганман? Мен, албатта, спортчи бўламан! Ҳали бундан ҳам катта ютуқларни қўлга киритаман, жаҳон олимпиадаларида қатнашиб, чемпион бўламан, деган мақсадни ўз олдимга қўйгандим.



Болаликдаги беғубор орзулар ўз ижобатини топди. У ҳозирда каратэ-до бўйича тўрт карра Ўзбекистон ва Қорақалпоқистон чемпиони, Грециянинг Халхидики шаҳрида бўлиб ўтган кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони ва "Универсал жанг" бўйича жаҳон чемпионати бронза медаллари соҳибдоридир. Нодира яқинда ташкиллаштирилган "Машриқзамин маликаси" республика кўрик-тановида "Энг латофатли иштирокчи" номинациясига сазовор бўлди. Спортчи қиз, тўрт йилдики, Қорақалпоқистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида фаолият кўрсатмоқда.

Кўпчилик ватанга хизмат қилиш дейилганда фақат эркак кишининг ҳарбий соҳадаги хизмати ва фаолиятини тасаввур этди, — дейди Н.Қазакова. — Аммо, ҳар қандай соҳада ким бўлишимиздан қатъи назар, ҳалол меҳнатимиз, эришган муваффақиятларимиз билан юртга наф келтиришимиз керак. Болалигимдан юртимизни фарзанд бўлиш кераклиги уқтирилгани учунми, ич-ичида қилган ишларимни сарҳисоб қилишга ўрганиб қолганман. Айниқса, Юртбошимизнинг ёшларга эътибори, мамлакатимизда спорт билан шуғулланиш учун яратилган шароитлар, чет элларга чиқиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларни кўриб, ўзимга нисбатан талабчанлик ҳисси янада ортади.

Биласизми, спорт мусобақалари ҳар қандай ҳикматли китобдан қолишмайди. Унга тайёргарлик жараёнида сабр ва матонатни ўргансангиз, мусобақа маҳали ақл билан иш юритиш, етти ўлаб бир кесмоқ лозимлигини англайсиз. Мағлубият эса ўз навабатида иродани синайди, уни тан олган ҳолда юксакка интилишдан чарчамаслигини талаб қилади.

Узининг ана шундай қатъий қарашларига амал қилаётган Нодира айни пайтда дунё бўйича ўтказиладиган яна икки муҳим беллашувга тайёргарлик кўрмоқда. У август ойида кикбоксинг бўйича Осиё чемпионатида қатнашади, сентябрда каратэ-до бўйича жаҳон чемпионлиги учун кураш олиб боради.

— Руслан Чагаев галабага эришган чоғда "Ўзбекистон, мен сени севаман!" деб ҳайқирган маҳал, кўзимга ёш келди. Ҳақиқатан ҳам, ўз юртиндан олисда туриб, кураш олиб бораётганимда спортчи фақатгина Ватан номи билан майдонга чиқади, меҳрибон халқи, ота-онаси ва Юртбошимизнинг ишончини оқлаш ниятида бор маҳоратини ишга солади. Ўша пок ният амалга ошириб, галаба қозониш, кўзида қувонч ёшлари билан юрт байроғини ўпиш — бу, энг катта бахт. Шундай шарафга муассар бўлиш вақти келди. Бу йўлда ҳар қандай меҳнат, изланиш ва сабр-тоқат зарур бўлса, бағрига тайёрман!

Муборак ОХУНОВА, "Халқ сўзи" мухбири.



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган китоблар кўرғазмаси ташкил этилди.

КИТОБЛАР КЎРҒАЗМАСИ

Унда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижалар ҳақида ҳикоя қилувчи сиёсий, иқтисодий, илмий адабиётлар, даврий нашрлар, плакатларга кенг ўрин берилган. Бу ерда, шунингдек, ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган асарларга татигулли улкан бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий меросни тиклаш ва асраб-авайлаш, ёшлар қамолоти йўлидаги эзгу юмушлар қўлими, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тугган маънавият бағишланган ранг-баранг фотосуратлар ҳам намойиш этилмоқда.

Кўрғазманинг алоҳида бўлимида "Тошкент — ислом маданияти пойтахти" ҳамда "Самарқанд — рўйи замин сайқали — 2750 йил" мавзуларига бағишланган. Унда буюк аллома аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ масалаларни обод этиш, уларнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этишга оид адабиётлар, рисоалар, буклетлар, фотосуратлар ва бошқа материаллар билан танишиш мумкин. Энг азиз ва энг улғу байрамимиз муносабати билан Миллий кутубхонада ўз шахсий ибратини ва ҳаётий тажрибасини намуна кўрсатаётган, эл-юртга хизмати синган кекса авлод вакиллари, машҳур ёзувчи ва шоирлар, олимлар, спортчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, "Китобхонлик ҳафталиги", викториналар, интеллектуал беллашувлар ташкил этилмоқда.

Назкат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобиллари (автобуслари) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вақилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

КЎЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

қишки бош кийимлар, плашбоп матодан қишки куртқалар, қишки камуфляж куртқалар, пойабзаллар, кўйлақлар (рубашка), ўт ўчирувчилар кийимлари, ички кийимлар.

Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ш.Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй.

Талабгорлардан тендерда иштирок этиш учун таклифларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2007 йил 10 сентябрь соат 17.00 гача.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қўйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (3712) 153-74-16, 361-43-72, 136-39-60, 55-85-03. Факс: 8 10 998 (371) 361-43-72.

E-mail: umtvs@uzpak.uz

Қўшимча маълумот қўйидаги сайтда жойлаштирилган: www.dgMarket.uz

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

Маҳсулот сертификатланган

Тошкент ш., «Братислава» к., 11. Тел./факс: 281-40-75, 281-40-90, 281-40-33. Сайт: www.uzkam.com

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Ассалом, Ўзбекистон» студияси бош режиссёри Аҳмад Усмоновга падири бузрукворини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи **РАҲИМ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Абулқасим Худойбердиев номидаги ўзбек давлат драма театрининг стюк актери **Дилбар ҚОСИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тиббиёт академияси жамоаси коммунал ва меҳнат тиганаси кафедраси доденти **Гобуржон Аҳмадвалиевич УМАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси Молиявий таҳлил кафедрасининг доденти вазифини бажарувчи, иқтисод фанлари номзоди Амридин Худойбердиевга онаси **Мария Рузмурад қизи ХУДОЙБЕРДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдилади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Одам анатомияси кафедрасининг доденти **Шавкат Рихсиевич РИХСИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газевейс» ЕАЖ ва «Сигнал» ЕАЖнинг Ўзбекистон ҳудудидagi расмий вақили бўлиб, турли русум ва катталикадаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг. дан 4000 кг. гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун қаролат — 24 ой.

Қўрғазмалар ва сервис марказлари манзиллари:

- Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, sanoat моллари катаридаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
- Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор **AVTODOM PLUS**

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4x4) «Тез ёрдам»

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қолланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-3307 Автовакуатор

ГАЗ-3302, non ташийдиган, лотоклар сон — 112 та, 3 ўриндиқли

ТУЛОВ ШАҚЛИ ТУРЛИЧА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қолланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтаридиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЕРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, sanoat моллари ва non ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидроқўтаргичлар, автоустаконалар, бургулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автовакуаторлар.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилги ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-А/у. Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62, Тозкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терьялди ва операторлар **Жамшед Тоғев** ва **Мухаммадали Бегмуратов** томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — М. Холматова. Навбатчи — Ю. Бўронов. Мусоҳиҳ — М. Ёкубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Тошпирлиди — 22.00 1 2 3 4 6